

**Корхоналар ва ташкилотлар  
фаолиятининг умумий  
таърифи**  
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 29614 тани ташкил қилиб, шундан 26515 таси ёки 89,5 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7095 та (23,9 фоизи), саноат 5468 (18,5 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 2330 та (7,9 фоизи) ва қурилиш 1859 та (6,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2017 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>29614</b>	<b>100,0</b>	<b>26515</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:				
кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2934	9,9	2683	10,1
саноат	5468	18,5	4887	18,4
қурилиш	1859	6,3	1592	6,0
савдо	7095	23,9	6120	23,1
ташиш ва сақлаш	1009	3,4	917	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2330	7,9	2065	7,8
ахборот ва алоқа	518	1,7	421	1,6
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	727	2,5	704	2,7
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	7674	25,9	7126	26,9

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 94,2 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 12,1 фоизи хусусий корхоналар, 1,0 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,1 фоизи акциядорлик жамиятлари, 31,5 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,  
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2017 йил январь-мартда жами 2228 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1280 та). Уларнинг асосий қисми Бўка (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (12,0 фоизи), Янгийўл (11,8 фоиз), Зангиота (11,7 фоиз), Бекобод (8,9 фоиз), Ўртачирчиқ (6,5 фоиз), Қибрай (6,0 фоиз), Қуйичирчиқ(5,5 фоиз), Юқоричирчиқ (5,1 фоиз), Бўстонлик (4,7 фоиз), Чиноз (4,2 фоиз), Оҳангарон (4,0 фоиз), Паркент (3,8 фоиз) ва Оққўрғон (3,8 фоиз) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 10,6 фоизи савдо, 15,0 фоизи саноат ҳамда 4,2 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 1422 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 734 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 51,6 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2017 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

